

Чингиз Айтматов киргиз халкининг улуг ёзувчисидир. Унинг номи XX асрда халкаро микёсда тан олинган жахон адабиётининг буток вакиллари билан бир сафда туради. Айни вактда кўпдан-кўп таникли адабиётшунос олимлар уни Л.Н.Толстой, Ф.Достоевский, Фолкнер каби адиблар каторига кўядилар. Шу маънода у хаётлик чогидаёк мумтоз (классик) адаб деган ёзувчи учун нихоятда шарафли эътирофга муносиб бўлган сўз устасидир. Унинг асарлари жахоннинг етмишдан ортиқ тилига таржима килинган.

У киргиз ва рус тилида бирдек ижод килувчи зуллисойнайн ёзувчидир.

Киргиз ва рус маданияти, ёзма адабиётининг тараккиёти даражасидаги, миллий фикрлашдаги, тилидаги ўзига хосликлар, фарклар жуда катта экани барчага аён.

Муаллиф айрим асарларни аввал киргиз тилида ёзиб (масалан, «Ок кема», «Алвидо», «Гулсара»), сўнг киргиз тилига ўгирилди.

Ёзувчи асарларида шу куннинг долзарб ходисалари халк оғзаки ижоди оркали етиб келган афсоналар, ривоятлар билан сингишиб ажиб бир яхлитлик ташкил этади.

Ч.Айтматов асарлари зиё солувчи кўёш-инсоният тарихидаги энг улкан достонлардан бири саналувчи киргиз «Манаси»дир.

Ч.Айтматов ўзбек халки ва ўзбек адабиётининг катт'a дўстидир. Византия маданияти жахон маданияти равнакига нечогли кўрсатган бўлса, ўзбек маданияти Марказий Осиё халклари маданияти ривожига шу даражада таъсир кўрсатгандир, дейди Чингиз Айтматов (Ёзув-жада таъсир кўрсатгандир, дейди Чингиз Айтматов).

Ёзувчининг деярлибарча йирик асарлари ўзбек тилига ўгирилган. Унинг кисса, романларини ўзбек китобхонига етказишда Асил Рашидов, Иброгим Гафуров каби моҳир таржимонлар астойдил меҳнат килмоқдалар. Халклар ўртасида тинчликни, адабиётлар ўртасида дўстликни мустахкамлаш ишида Чингиз Айтматов давлат ва жамоат арбоби сифатида улкан ишларни амалга оширмокда.

Чингиз Айтматов 1928-йил 12 декабрда Киргизистоннинг Талас водийсидаги Шакар овулида туғилди. Бобоси Айтмат ога ажойиб кўбўзчи эди.

У темир йўлда ишлаши билан ўгли Тўракулни Авлиё отадаги рус-тузим мактабига жойлаштириди. Кейинчалик, Тўракул Айтматов Киргизистоннинг катта давлат арбоби даражасига кўтарилди.

Бирок, афсуски, шахсга сигиниш даврининг курбони бўлди. Чингизнинг онаси Наима Айтматова ўкимишли, окила аёл эди. Бўлажак адигба болалик йилларида бувиси Ойимхон ая ва унинг кизи Коракиз опа кўпдан-кўп ривоят, афсона, кўшиклар айтиб беришди. Ёзувчи асарларига болаликдан эшитган шу ривоятларнинг муайян таъсири бўлса, ажаб эмас. Чингиз аввал рус мактабида ўкиди, сўнг киргиз мактабида ўкишини давом эттириди.

У 1956-1958 йилларда Москвада Ёзувчилар уюшмаси кошидаги олий адабиётчилар курсида тахсил олди. У турли йиллар давомида Киргизистондаги етакчи адабий журнал «Литературные Киргизистан»нинг бош мухаррири, «Правда» рўзномасининг жумхуриятдаги мухбири, Киргизистон кинематографчилар уюшмаси бошкарувининг раиси бўлиб ишлади. У жумхурият киноси ривожига хам катта хисса кўшди. Киргиз кино санъати хам худди бадиий адабиёти каби Чингиз Айтматов асарларининг экранлаштирилиши мисолида жахон микёсига чикди. Адаб номини илк бор халкаро микёсда машхур килган асар «Жамила» киссаси бўлди.

1958 йилда ёзилган бу кисса 1959 или рус ва француз тилларига китоб холда эълон килинган, икки йил ичида собик Иттифок ва хориждаги ўтизга якин тилга ўгирилди. Шўро адабиётида бундай ходиса бўлган эмас. Асарни француз тилига ўгирган Луи Арагон уни «Мухаббат хакида ёзилган жаҳондаги энг ажойиб кисса» деб баҳолади ва хатто маколанинг номини хам шундай деб атади.

Киссада Жамила ва Дониёрнинг бегубор, покиза муҳаббатлари асосида инсон эрки ва хукуки, асрий одатларга фаол муносабат кўрсатилди. Новаторлик Чингиз Айтматов ижодининг бош хусусиятидир. «Сомон йўли» киссаси бунинг ёркин далилидир. Асарнинг Бош каҳрамони Тўлганой хаётнинг жуда оғир машаккатларини бошидан ўтказган.

Дахшатли уруш эридан, уч ўглидан жудо килган. Бирок, бу етмагандек, такдир унинг бошига яна бир кулфат солади. Фарзанди ўрнига фарзанддай бўлиб колган келини Алиман хаётдан бевакт кўз юмади. Шунчалар аччик, шунчалар бешафкат бўласанми, эй кисмат. Бирок, ёзувчи тасаввурicha, кисмат батамом бешафкат бўлиши мумкин эмас.

Чунки хаёт шундай. Келинидан Тўлганойга ёдгор бўлиб набира колади. Унинг хаётида хаётнинг давоми. Тўлганой авлодлари касбикорининг абадияти мужассам. Ёзувчи маҳорати табиат ва жамият, ўтмиш ва бугун асотир ва янгилик, фантазия ва реаллик, афсона ва хакикат узвийлигини бадиий тасвирда намоён бўлади.

«Ок кема» киссаси адибнинг ана шу йўналишдаги поклик ва адолат, хунрезлик ва унинг ахлоқий илдизлари, миллий анъаналар ва инсоний кадриятлар талкинига багишланган навбатдаги энг гўзал асарларидан биридир. Асарда ўкувчи нурдай тоза орзулар огушида яшовчи, Она бўгу хамда Ок кема хакидаги эртакларнинг эртак эмас, чин эканига астойдил ишонган ва уларнинг рўёбга чикишига кўз тутган Бола: нихоятда халол, самимий ва хакгўй бўлишига карамай кизи, набираси тинчлиги ва осойишталиги деб ўзларига карам ва мутеъ бўлиб колган, шу боис, хатто Она бугуни ўлдиришгача бориб етган Мўмин бобо: одам кадри-ю табиат, миллий кадрият-у, урф-одат барчасига бир пул деб карайдиган вахший сифат Ўрозкул сингари образларга дуч келади.

Она бугунинг ўлдирилиши натижасида барча орзу умидлари чилпарчин бўлган Боланинг баликка айланиб, Ок кемага етиш максадида сувга тушиб нобуд бўлиши рамзига ёзувчи тоза умид ва инсоний покликни, маънавий тубанликка карши исённи, баркамолликни улугловчи катта эстетик маънони сингдирган.

«Асрга татигулик кун» романи Чингиз Айтматовнинг жаҳон микёси-даги шуҳратига янги шуҳрат кўшди. «Асрга татигулик кун» романида акс эттирилган воқеалар, асосан, Бўронли деб ном олган темир йўл бекатидаги миттигина олти-етти оила яшайдиган овулчада рўй беради. Овулча эса Козогистоннинг хайхотдек Сариўзак чўлида жойлашган.

Роман композицион нихоятда маҳорат билан тузилган. Ундаги воқеалар бутун умр шу Буронли темир йўл бекатида оддий темирйўлчи бўлиб ишлаган Козонкопнинг вафоти, уни дафн этиш учун Она Байит кабристон томон йўлга тушиб билан бошланади.

Асардаги воқеалар шу манзилга етиб келгунча ўтган вакт ичида содир бўлади. Асарнинг бош каҳрамони Эдигей Жонгелдин халол меҳнаткаш одам. У урушда катнашган, уруш кийинчиликларини кўрган. Бўронли бекатида темирйўл ишчиси бўлиб ишлагунча бошидан не-не кўргуликларни ўтказган, барига чидаган. Манкуртлар хакидаги ривоят «Асрга татигулик кун» романининг буткул замонавий ахамиятини белгиловчи энг муҳим кисм ва романнинг буткул хужайраларига сингиб кетган етакчи гоялардан бирининг манбаидир. Ривоятга кўра, кадим замонда Сариўзак ерлари боскинчи Жунганглар томонидан забт этилган. Улар асир олинган ерда жангчиларнинг соchlарини тап-такир

кириб, янги сўйилган түя терисидан бошларига калпок кийгизиб, офтоб кизигида чўлга хайдаб кўйганлар. Кийнок шу кадар вахший ва азобли бўлганки, уларнинг кўплари чидамай нобу бўлган. Омон колганлари эса хотира деган нарсадан маҳрум манкуртга айланган.

Сариўзакнинг ана шундай манкурт йигитларидан бири Жўломон ўтмишини хотиралаш у ёқда турсин, хатто ўзини куткаргани келган туккан волидасини танимайди, на уруги ва отасининг номини эслайди.

Бу етмаганидек, жунгжанглардан бирининг ўргатувчи билан ўз онасини отиб ўлдиради. Чингиз Айтматовнинг «Киёмат» романида эзгулик ва олийжанобликнинг, яхшилик ва тўғриликнинг, адолат ва хакгўйликнинг, киёмат-кийим даражасига тушаётган холатлари табиат, жамият, инсон ва иймон муаммоларини акс эттириш оркали кўрсатилади.

Табиатни паймол этиш туфайли рўй берадиган киёмат даражасидаги пайхонликлар, барбодликлар, хунрезликлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Уларни амалга ошираётган кайта ижтимоий-кучлар, разил одамлар бор. Булар Акбара билан Тошчайнарга табиатда яшаш учун хатто ошён колмаслиги: тогда ноёб конга йўл очилиши муносабати билан уларнинг уяси жойлашган камишзорга буткул ўт кўйилиши туфайли беш бўри боласининг нобуд бўлиши: Акбара билан Тошчайнар токка кочгандан сўнг эса, бу ерда янги дунёга келган тўрт бўри боласининг энди разил, инсоний хислатларидан маҳрум Бозорбой томонидан ўгирланиб, арок олиш учун сотиб юборилиши: Обер-Кандалов бошлиқ вахшийсиёк кишилар томонидан мўмай пул топиш илинжида сайрокларга кирон келтиришлари ва бошкалар табиатни киёматга солаёттан ходисалар эмасми.

Хатто, бу гунохларни худо хам, бандаси хам кечиради, бунинг учун тавба-тазарру килиб, тўгри йўлга кирмок керак деган ва кисматини пгу йўлга тиккан Авдий Калистратов такдири-чи. Бу чорлов, бу даъват уни нашавандлар тўдаси уни ит азобида тепкилаб, поезддан иткитиб юборади. Шу тахлитда тавба-тазарруга, имонга, тўгри йўлга чорлагани учун сайрокларга кирон келтирмасликни зор-зор сўраб илтижо килгани учун Обер-Кандалов бошлиқважийлар гурухи уни тириклиайн дарахтга осиб кетади. Ёзувчи бу тахлит содир бўлаётган вокеалар янгиликлар эмаслигини, бу касаллик фактат XX асрга келибгина пайдо бўлмаганини таъкидлаш учун тарих асоратларидан ўзига хос киёс-мисол олади ва унинг нихоятда теран, фалсафий ифодасини беради.

Бу Исо билан алоказдор диний таълимотнинг бадиий талкинидир. «Худога мухаббат билан тўлмаган дил иллатларга тўлади» дейди Исо. «Инчунин, инсонга мухаббат билан лиммо-лим бўлмагандир хам, вовайлоким, ўликдир».

Рим нойиби Понтий Пилат ва ганимлар эса Исонинг бу харакатини халойикни исёнга чакириш ва халкни йўлдан кайтса Понтий Пилат бошини халос этишга ваъда беради. Аммо, Исо хак йўлдан кайтмокдан кўра азобда жон таслим этишни раво кўради. Асардаги энг мураккаб образ Авдий Калистратовдир. У худога, динга дил-дилидан, вужуд-вужуди билан ишонади. Бирок унинг фикрича, шу вактгача инсоният тафаккурида бўлиб келган Худо эскирган, шу боис униянгилаш, замондош Худо яратиш керак. Бу фикридан, ўзи айтишича, ўтда куйдирсалар хам кайтмокчи эмас. «Аср бўйи котиб колган фикрларни ўзгартириш, ақидабозликдан кутилиш, инсон руҳига Худони англашда хурлик бериш ва Худони инсон борлигининг энг олий зухроти деб билиш» Авдийнинг дин ва Худо хакидаги карашларининг асосини ташкил этади. Бу куфрона фикрлари учун у диний семинариядан хайдалган хам. Бир жихатдан, бориб турган шаккок. Бир жихатдан виждан ва имон йўлидан адашганларнинг тарафдори, жонкуяри, уларни тўгри йўлга солиш учун жонини беришга тайёр, айни вактда, худди

ана шуларнинг ўзи томонидан аввал итдек калтакланиб сўнг, салкам Исодек катл этилади. Авдийни анъанавий йўсиндаги яхши ёки ёмон киши образи деб аташ кийин. У мураккаб образдир. Шу фикрдан келиб чикиб, «Киёмат» романининг бош каҳрамони Исо хам Авдий Калистратов хам, Бўстон хам ёхуд Акбара ва Тошчайнар хам эмас, балки уларнинг барчасини бирлаштириб турувчи Имондир, деб айтиш мумкин.

Инсониятни, эзгуликни омон сакдаб колувчи улуг куч асли яратганинг маънавий кудратига ишончдан нурланиб турувчи имондир, демокчи бўлади ёзувчи.

Ч.Айтматов асарда эзгулик моҳиятини ранг-баранг: илохий фалсафий, инсонпарвар асослар билан чамбарчас алоказорликда тасвирлайди. Зеро, эзгуликни талкин этишда бу уч олимнинг муштарак бирлиги ёзувчи гояларини тўлаконли бадиий гавдалантиришда мухим роль ўйнайди. Эзгуликнинг илохий асослари, бир жихатдан, Исо образи ва иккинчи жихатдан, диний семинарияда ўқиб, уни тарк этган Авдий Калистратов образи оркали илгари сурилади.

Эзгуликнинг инсонпарвар асосларини Чингиз Айтматов, айникса, Бўстон образи оркали илгари суради. Бўстон захматкаш, илгор чўпонни, иккинчи синфда ўкиётганида отаси фронтда халок бўлган, онасидан хам эрта айрилган. Унинг суюги меҳнатда котди. Бир бурда нонни ўзи топиб еди. Шу боис дангаса, ишёкмас, туллак, гийбатчиларни жинидан ёмон кўради, уларга муросасиз. Бирок, ўз навбатида, худди шу сифатлари учун ташаббускорлиги ва умум ишига жонкуярлиги учун Бўстонни уларнинг хам кўрарга кўзи йўк. «Дунёнинг шафкатсизлиги» Авдийга хам Исога хам, хатто Акбара ва Тошчайнарга хам, шунингдек, Бўстонга хам бирдек. Бўстоннинг кўиди-пишдилиги, тўғрилиги учун ундан кандай килиб ўч олишни билмай юрган Бозорбойга ўҳшаганларнинг унга нисбатан фалсафаси хам тайёр «илгариги замонлар бўлганида-ку, сиртга сув юктиrmас кулоквачча совет хукуматининг синфий душмани сифатида шартта отиб ташланарди-я, ох-вохига карамай. Аттанг-а у пайтлар ўтиб кетди-да».

Эзгуликнинг йўли доим азобда, лекин наинки азоб, хатто киёматдаги асосий фалсафаси бўлмаса Исо йўлидан кайтмасмиди, Авдий фикрини ўзгартирмасмиди, Бўстон муросага келиб яшамасмиди.

Шуни алохида таъкидлаш жоизки, ёзувчи, адолатли, хакгўй Бўстонга карши Кўчкорбоевнинг Авдийга карши Обер-Кандаловнинг Исога карши Понтий Пилатнинг карашларида умумийлик ва муштараклик бор эканини катта маҳорат ва бадиий теранлик гавдалантириб беради. Адиб асардаги образлар моҳиятини очишида, инсонпарварлик гояларини китобхонга теранрок сингдиришда асотирлардан маҳорат билан фойдаланади. Масалан, Эски булгор кўшикларининг ижроси, шу кўшик таъсирида Авдий калби, иймоннинг янада тозариши, Исо ва Понтий Пилат ўртасидаги гунохларни ювиш ва дил кўзларини очиш хакидаги бахслар, деярли бутун асар давомида барча жафокаш каҳрамонларнинг чорасиз чокларда яратганга тавалло килишлари ва нгу тавалло мазмунидаги имон, ишонч ва тазаррулар нурида улар сиймоси, табиатнинг янада покдомонрок бўлиб бориши романнинг хаётийлиги, хакконийлиги ва таъсирчанлигини оширади.

Айни вактда «Киёмат» романини атоли таржимон Иброгим Гофуров ўзбек тилига катта маҳорат билан ўгирилганлигини хам таъкидлаш керак.

Карши давлат университетининг катта ўқитувчи А. Хамдамов

